

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА
ЕТИШТИРИШАГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ИБРАГИМОВ БЕКЗОД ОДИЛЖОНОВИЧ

**ҒЎЗАНИНГ НАВ ХУСУСИЯТЛАРИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ЧИГИТ
ЭКИШ МУДДАТИ, ЧИЛПИШ ВА ДЕФОЛИАЦИЯ ЎТКАЗИШ
ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.08–Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Ибрагимов Бекзод Одилжонович

Вўзанинг нав хусусиятларига боғлиқ ҳолда чигит экиш муддати, чилпиш
ва дефолиация ўтказиш тадбирларини такомиллаштириш..... 3

Ибрагимов Бекзод Одилжонович

Совершенствование проведения мероприятий по срокам сева, чеканки и
дефолиации в зависимости от особенностей сортов хлопчатника..... 19

Ibragimov Bekzod Odiljonovich

Improvement of sowing dates, plant topping and defoliation of cotton
depending on the variety characteristics..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published papers..... 39

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ИБРАГИМОВ БЕКЗОД ОДИЛЖОНОВИЧ

**ҒЎЗАНИНГ НАВ ХУСУСИЯТЛАРИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ЧИГИТ
ЭКИШ МУДДАТИ, ЧИЛПИШ ВА ДЕФОЛИАЦИЯ ЎТКАЗИШ
ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.08–Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Qx 604 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (ПСУЕАИТИ) бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифанинг (www.psuayiti.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Тешаев Фатулло Жўракулович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ахмедов Джамолхон Хўжаханович биология фанлари доктори, профессор
	Рахматов Имом Мамадиёрович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат аграр университети


Диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг «16» июль 2021 йил соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99871) 150-62-84; факс: (99871) 156-61-34; e-mail:piim@agro.uz


Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (114 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99871) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2021 йил «2» июль куни тарқатилди.
(2021 йил «2» июль даги 1 рақамли реестр баённомаси).




Ш.Нурматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д., профессор


Ф.М.Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.н., профессор


Ж.Х.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тўқимачилик саноатини сифатли хомашё билан таъминлашда пахтачиликдаги муҳим вазифалардан биридир. «Дунёда ғўзани етиштириш бўйича 85 дан ортиқ давлатларда 200 миллионга яқин одам шуғулланади. Уларнинг қарийб 60 миллион нафари пахта хом ашёсини қайта ишлаш билан шуғулланиб келмоқдалар. Дунё бўйича пахтани 65% Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон, Ўзбекистон давлатларида етиштирилиб, қолган 35% бошқа давлатларга тўғри келади»¹. Пахта етиштирадиган давлатларда амалга ошириладиган агротехник тадбирларни, айниқса чигит экиш муддатлари, чилпиш ва дефолиацияни ҳудудларнинг иқлим шароити ва ғўза навларининг морфо-биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда белгилаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Дунёдаги ғўза етиштириладиган етакчи давлатларда ғўзадан мўл ҳосил олишда, чигит экиш муддатлари, турли агротадбирларга боғлиқ ҳолда чилпиш ўтказиш ҳамда дефолиация бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, ғўзани морфо-биологик ҳолатини, экиш муддатини, кўчат қалинлигини ўрганган ҳолда механик ёки кимёвий чилпиш ўтказишнинг мақбул муддат, меъёр ва усулларини белгилаш бўйича илмий изланишларга алоҳида урғу берилмоқда. Айниқса, чигит экиш муддатларини ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва экиш пайтидаги ҳаво ҳароратига боғлиқ ҳолда аниқлаш бўйича тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда чигит экишни сифатли ўтказиш ва пахта ҳосилини йиғиб териб олишни механизациялаш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, тизимли равишда амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»²ги Фармонида ҳам ерлардан унумли фойдаланишда қишлоқ хўжалигига илм-фанни янада тадбиқ этиш каби муҳим вазифалар белгилаб ўтилган. Ғўзани машинабоп қилиб парваришлашда унинг нав хусусиятларига боғлиқ ҳолда чигит экиш муддати, чилпиш ва дефолиация ўтказиш агротадбирларини такомиллаштириш ҳамда уйғунлаштириш асосий воситалардан биридир. Мамлакатимизда янги тезпишар ва ўртапишар ғўза навлари яратилиб, ушбу навларга мос агротехник тадбирларни ишлаб чиқиш, жумладан ғўза навларининг нав хусусиятига кўра экиш ва чилпиш муддатларини мақбуллаштириш ҳамда дефолиация самарадорлигини ошириб, юқори ҳосил етиштириш бўйича илмий изланишлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 15 августдаги ПҚ-2575-сон “Ғўза дефолиациясини ўз вақтида ва самарали ўтказиш бўйича

¹<https://science-education.ru/ru/article/view?id=4578>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони.

комплекс ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3229-сон “Ўза дефолиациясини ўз вақтида ва самарали ўтказиш бўйича комплекс ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага доир бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз олимлари томонидан табиий тупроқ ва иқлим шароитларида турли ўза навларининг уруғлик чигитини экиш муддатларини аниқлаш бўйича Г.Гольдберг, А.Нуждин, А.Кулаченко, С.Саидумаров, А.Рахимбоевлар, турли табиий омиллар ва агротехник тадбирларга боғлиқ ҳолда дефолиантлар самарадорлигини ошириш бўйича А.Пругалов, А.Имомалиев, Т.Зокиров, Ш.Тешаев, Ф.Тешаев, О.Синдаров, С.Алланазаровлар томонидан турли табиий омиллар ва агротехник тадбирларга боғлиқ ҳолда дефолиантлар самарадорлигини ошириш бўйича илмий изланишлар олиб боришган. Бироқ, янги ўза навларида чигит экиш муддатлари ва чилпиш агротадбирига боғлиқ ҳолда УзДЕФ дефолиантини мақбул меъер ва муддатлари ҳамда унинг самарадорлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ҚХ-А-ҚХ-2018-158. «Мамлакатимизнинг турли тупроқ, иқлим, мелиоратив, гидрогеологик ва гидромодул ҳудудларида янги яратилган, истиқболли ҳамда районлаштирилган ўза навларини парваришлаш агротехнологиясини ишлаб чиқиш асосида ўза навларини жойлаштириш харитасини тузиш» (2018-2020 йй.) ва № ҚХ-И-ҚХ-2018-52 «Фермер хўжаликларида янги ФанДЕФ ва УзДЕФ-К дефолиантлари билан ўза барглари сунъий тўктиришни жорий этиш» мавзусидаги лойиҳалар асосида бажарилган (2018-2019 йй).

Тадқиқотнинг мақсади Фарғона вилояти ўтлоқи саз тупроқлари шароитига мос ўза навларини танлаш ва уларнинг морфо-биологик хусусиятларига кўра мақбул экиш ва чилпиш муддатларини аниқлаш ҳамда ушбу агротадбирларга боғлиқ ҳолда УзДЕФ дефолианти билан дефолиация ўтказиш самарадорлигини ошириш орқали фермер хўжаликларига эртаки ва мўл пахта ҳосили олиш бўйича илмий асосланган тавсиялар беришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли ўза навлари чигитларини ҳар хил муддатларда экиб, чигитнинг униб чиқиши ва ўсиб ривожланишини аниқлаш;

чигит экиш ва чилпиш муддатларига боғлиқ ҳолда ғўза навларининг биомассаси (барглар сони, барг сатҳи, ҳосил шохлари сони)ни аниқлаш;

чигит экиш ва чилпиш муддатларига боғлиқ ҳолда ўрганилаётган ғўза навларида УзДЕФ дефолиантининг самарадорлигин аниқлаш;

чигит экиш ва чилпиш муддатларига боғлиқ ҳолда УзДЕФ дефолиантининг ғўза навларида агроиқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона вилоятининг ўтлоқи-соз тупроқлари, ўрта толали “Бухоро-8”, “Султон”, “С-8290” ғўза навлари ҳамда УзДЕФ дефолиантидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети ғўза навларининг экиш муддатларига боғлиқ ҳолда униб чиқиши, ўсиши, ривожланиши, чилпиш ўтказиш муддатлари ва усуллари ҳамда ушбу ғўза майдонларида дефолиациянинг таъсири, ғўза баргларининг тўкилиши, кўсақларининг очилиши, 1-терим салмоғи, ҳосилдорлик, толанинг технологик хусусиятларига таъсирини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Илмий изланишлар ЎзПТИДа қабул қилинган «Методика полевых опытов с хлопчатником», «Дефолиантларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» ва «Методы определения свойств хлопка-волокна» қўлланмалари асосида олиб борилган бўлиб, илмий тадқиқот натижалари «Методика полевого опыта» Б.А.Доспеховнинг услуби бўйича математик-статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Фарғона вилоятининг ўтлоқи-соз тупроқлари шароитида “Бухоро-8”, “Султон” ҳамда “С-8290” ғўза навларининг мақбул экиш муддатлари “Бухоро-8” навида 15-20-апрель, “Султон” ва “С-8290” ғўза навларида 25-30-апрель эканлиги аниқланган;

экиш муддатларига боғлиқ ҳолда ғўзанинг ўсиб-ривожланиши, биомасса ҳамда ҳосил тўплаши “Бухоро-8” нави 15-20-апрелда, “Султон” ва “С-8290” ғўза навлари 25-30-апрелда экилганда юқори бўлиши аниқланган;

экиш муддатларига боғлиқ ҳолда “Бухоро-8” ғўза навида 12-13 ҳосил шохи пайдо бўлганда, “Султон” ва “С-8290” ғўза навларида 12-13 ҳосил шохи пайдо бўлганда чилпиш ўтказиш мақбуллиги исботланган;

“Бухоро-8” ғўза навида УзДЕФ дефолианти 7,5 л/га, “Султон” ва “С-8290” ғўза навларида УзДЕФ дефолиантининг 6,5л/га меъёрлари қўлланилганда самарадорлиги, яъни барглар тўкилиши, кўсақлар очилиши, очилиш тезлиги, пахта ҳосили, тола ва чигитнинг кимёвий таркиби ҳамда саноат нави яхшиланиши аниқланган;

экиш муддатлари ва чилпиш усулларига боғлиқ ҳолда дефолиация ўтказиш мажмуий агротадбирининг ғўза навларидаги иқтисодий самарадорлиги илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Фарғона вилоятининг ўтлоқи-соз тупроқлари шароитида “Бухоро-8” ғўза навининг мақбул экиш муддати апрель ойининг 20-санасига тўғри келиб, бунда ҳар бир ғўза тупида ўртача 12-13 ҳосил шохи пайдо бўлганда чилпиш

ўтказилганда, “Султон” ҳамда “С-8290” ғўза навларида эса чигит 25-апрелда экилиб, уларда ўртача 12-13 ҳосил шохи пайдо бўлганда чилпиш ўтказиш энг юқори натижалар бериши аниқланган;

УзДЕФ дефолиантини турли меъёрларда қўлланилганда Бухоро-8 ғўза навида 13-14 ҳамда 12-13 дона ҳосил шохлари пайдо бўлганда қўлланилганда энг мақбул меъёри 8,0-7,5 л/га бўлиб, бунда барглар тўкилиши 87,9-88,2% ни, кўсаклар очилиши 87,5-88,4% ни, пахта ҳосилдорлиги ўртача 36,6-37,9 ц/га ни ва ундан олинган соф фойда 3 млн 500 минг - 4 млн 670 минг сўм/га ва рентабеллик даражаси 28,6-33,3% ни ташкил этиши аниқланган;

ўртапишар Султон ғўза навида 12-13 ҳосил шох пайдо бўлганда энг мақбул натижадар УзДЕФнинг 6,5 л/га меъёрида қўлланилган вариантдан олиниб, барглар тўкилиши 90,1-89,4% ни, кўсаклар очилиши 87,7-89,1% ни, пахта ҳосилдорлиги 35,5-36,1 ц/га ни ва ундан олинган соф фойда 3 млн. 51 минг – 3 млн. 309 минг сўм/га ҳамда рентабеллик даражаси 25,0-27,1% ни ташкил этиши аниқланган;

эртапишар ҳисобланган С-8290 ғўза навида 12-13 ҳосил шох пайдо бўлганда УзДЕФнинг 6,0 л/га меъёридан юқори натижаларга эришилиб, барг тўкилиши 91,5-92,3% ни, кўсаклар очилиши 88,1-90,8% ни, пахта ҳосилдорлиги 34,8-35,1 ц/га ни ва ундан олинган соф фойда ўртача 2 млн. 758 минг – 2 млн. 887 минг сўм/га ни ташкил этиб, рентабеллик даражаси 22,6-23,7% га тенг бўлиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий тадқиқот ишларидан олинган натижаларнинг математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги ва аниқланган кўрсаткичлар белгиланган меъёрларга мос келиб, ўз тасдиғини топганлиги, тадқиқот натижалари хорижий ва маҳаллий тажрибалар маълумотлари билан солиштирилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалиётда кенг жорий этилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари илмий нашрларда чоп этилганлиги ва натижалар амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Бухоро-8, Султон ва С-8290 ғўза навларининг турли экиш муддатларига боғлиқ ҳолда мақбул чилпиш муддати ва усулининг ўзаро боғлиқлиқлиги аниқланиб, ғўзада генератив ва вегетатив органларининг ўзгариши, ҳосил элементлари тўкилишининг камайиш тенденцияси, ўсимликда озуқа элементларининг ўзлаштирилиши ҳисобига кўсакларнинг пишиб етилиш динамикаси ҳамда қўлланилган УзДЕФ дефолиантининг ҳар бир ғўза навида мақбул қўллаш меъёрларининг илмий асосда белгилаб берилганлиги ва унинг иқтисодий самарадорлиги тўлақонли аниқланганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Бухоро-8, “Султон” ва “С-8290” ғўза навларининг юқори ва сифатли пахта ҳосили олишни таъминлаш мақсадида, мақбул чигит экиш муддатларига қараб чилпиш тадбирини

табақалаштириб қўлланилганлиги ва бу майдонларда, ғўза дефолиациясидан юқори самарадорликка эришилиб, етиштирилган пахта ҳосили салмоғи ошганлиги, тола сифат кўрсаткичларининг яхшилангани, пировард натижада эса юқори иқтисодий даромад олинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Бухара-8», «Султон», «С-8290» ғўза навларининг экиш муддатларига боғлиқ ҳолда чилпиш тадбирининг мақбул қўллаш муддатлари ва усуллари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

экиш муддатларига боғлиқ ҳолда чилпиш агротадбирини табақалаштириб ўтказиш ва дефолиация самарадорлигини ошириш бўйича «Ўза дефолиациясини сифатли ўтказиш бўйича тавсиялар» тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 26-октябрдаги 02/020-3457-сон маълумотномаси). Тавсиянома республикада пахта етиштирувчи фермер хўжаликларида ҳамда агрокластерларига «Бухара-8», «Султон», «С-8290» ғўза навларини етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

ғўза навларининг тезпишарлигига қараб мақбул чигит экиш муддатларини белгилаш ва чилпиш агротадбирини инобатга олган ҳолда дефолинтларни қўллаш технологияси Олтиариқ туманидаги “Дехқон замини” фермер хўжалигида 55 гектар, “Қахрамон Мурод Билолиддин” фермер хўжалигида 68 гектар, “Тожиқулов Абдурахим” фермер хўжалигида 52 гектар, “Ёркин Замин Жамоли” фермер хўжалигида 50 гектар, жами 225 гектарга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 26-октябрдаги 02/020-3457-сон маълумотномаси). Натижада, ғўза навларининг биологиясидан келиб чиққан ҳолда мақбул экиш муддатларининг белгиланиши ва чилпиш агротадбирининг табақалаб ўтказилиши эвазига, кўсаклар пишиб етилиши 15-25% га тезлашиб, биринчи терим салмоғи 15-20% га, ғўза ҳосилдорлиги 2,5-3,7 ц/га ошган;

ғўза навларининг тезпишарлигига қараб мақбул чигит экиш муддатларини белгилаш ва дефолинтларни қўллаш технологияси Учкўприк туманидаги “Оқолтин барака” фермер хўжалигида 70 гектар, “Ахмедов Раимжон ота” фермер хўжалигида 53 гектар, “Азизов акбарали” фермер хўжалигида 76 гектар, “Асқаров Мехринисо” фермер хўжалигида 39 гектар, “Фар учкўприк Абдухамид” фермер хўжалигида 47 гектар, “Улуғбек АГФ” фермер хўжаликларида 58 гектар, жами 332,9 гектарга пахта майдонларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 26-октябрдаги 02/020-3457-сон маълумотномаси). Натижада ғўза навларининг агротадбирларни табақалаб ўтказилиши ҳисобига, навлар бўйича рентабеллик даражаси 37,2-43,3-52,8% ни, иқтисодий самарадорлик эса гектарига 1 млн 200 минг - 1 млн 300 минг сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Далада ва лаборатория шароитида олиб борилган тадқиқотлар ҳар йили ҚХБИММ ҳамда ПСУЕАИТИнинг махсус комиссияси томонидан апробациядан ўтказилиб, тайёрланган йиллик ҳисоботлар Услубий кенгашда муҳокама қилинган, шунингдек, тадқиқот натижалари халқаро 2 та ва республика 2 та илмий-

амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида жами 8 та илмий мақолалар чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган шулардан илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 2 та республика ва 2 та хорижий журналларда ҳамда 4 та тезис (2 та халқаро, 2 та маҳаллий конференция тўпламларида) ва 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркибига кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловаларни ўз ичига олиб, ҳажми жами 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги, аҳамияти ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари батафсил тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинган ишлар, апробацияда баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чигит экиш ва чилпиш муддатлари ҳамда ғўза дефолиацияси агротадбирга боғлиқ ҳолда маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида яқин йиллардаги ва илмий ишланмаларнинг тарихи бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари юзасидан маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили батафсил келтирилган. Шунингдек, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўрта толали ғўза навларидан юқори ва сифатли ҳосили етиштиришда турли тупроқ-иқлим шароитларида экиш муддатлари, чилпиш усуллари ҳамда дефолиацияни турли тадбирларга боғлиқ ҳолда қўллашнинг мақбул муддат ва меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар юзасидан олинган натижа, хулоса ва фикрлари тадқиқ қилинган.

Ушбу бобнинг сўнгги саҳифасида Фарғона вилоятининг тупроқлари шароитида янги районлашган ва истиқболли ғўза навларидан юқори пахта ҳосилини етиштириш борасида экиш муддатлари, чилпиш усуллари ва уларга боғлиқ ҳолда дефолиация тадбирининг мақбул қўллаш муддати ҳамда меъёрларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ишлаб чиқариш шароитида уларни қўллаш назарий ва амалий жиҳатдан долзарб масалалардан эканлиги баён этилган.

Диссертациянинг «**Илмий тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида Фарғона вилоятининг географик жойлашуви, тупроқ-иқлим шароитлари, тажриба

тизими, тадқиқот ўтказиш услублари, шунингдек, дала тажрибалари ўтказилган майдонларда қўлланилган агротехник тадбирлар келтириб ўтилган. Бунга кўра, 2017 йилдаги тажриба тупроғининг ҳайдалма қатламида (0-30 см) умумий чиринди миқдори 1,014% ни, азот 0,107 %, фосфор 0,170% ни ташкил қилган ҳолда ҳаракатчан NO_3 -11,91; P_2O_5 -22,0 ва K_2O -250 мг/кг эканлиги, 30-50 см тупроғининг қатламида умумий чиринди миқдори 0,724% ни, азот 0,070%, фосфор 0,131% ни ташкил қилган ҳолда ҳаракатчан NO_3 -6,61; P_2O_5 -15,0 ва K_2O -103 мг/кг эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг охириги йилига келиб, яъни 2019 йилда тупроқнинг ҳайдалма қатламида (0-30 см) умумий чиринди миқдори 1,008% ни, азот 0,108%, фосфор 0,155% ни ташкил қилган ҳолда ҳаракатчан NO_3 -11,88; P_2O_5 -21,8 ва K_2O -205 мг/кг эканлиги, 30-50 см тупроқ қатламида умумий чиринди миқдори 0,721% ни, азот 0,087%, фосфор 0,129% ни ташкил қилган ҳолда ҳаракатчан NO_3 -7,56; P_2O_5 -16,7 ва K_2O -125 мг/кг га тенглиги кўрсатиб ўтилган.

Фарғона вилояти, Фарғона водийсининг шимолий ва ғарбий қисмида жойлашганлиги, майдони 7,1 минг км² ташкил этиб, вилоят ҳудуди асосан Қўқон ва Фарғона агроиқлим ҳудудларига, Қўқон агроиқлим туманининг шимолий чегараси Сирдарё бўйлаб, ғарби эса Қайраққум сув омборигача бориб тақалиши кўрсатиб ўтилган. Кўрсатиб ўтилган жанубий чегараси эса катта Фарғона канали бўйлаб, шарқи Андижон вилояти билан чегараланиши, самарали ҳаво-ҳароратининг йиллик йиғиндиси ўзгарувчан бўлиб, ўртача 2500-2800 °С ташкил этиши қайд этилган. Ҳаво ҳарорати йилнинг келишига қараб 43-45 °С иссиқдан 15-18 °С совуққачон ўзгариши таъкидланган.

Илмий изланишлар 2017-2019 йиллар давомида олиб борилиб, улар ЎзПИТИда қабул қилинган «Методика полевых опытов с хлопчатником» (1981), «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007), «Дефолиантларни Давлат синови бўйича услубий кўрсатмалар» (1993, 1994, 2004) қўлланмалари асосида олиб борилган. Ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотларга Б.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» (1979) қўлланмаси асосида математик ишлов берилганлиги қайд қилинган.

Тажриба майдонида ўтказилган барча агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилган ва қайд этиб борилган. Тажриба тизимида белгиланган муддатларда чигит экилиб, 3-4 марта суғориш, 4-5 марта культивация, 2-3 марта озиклантириш ва 2 мартадан ҳашаротларга қарши курашиш ишлари амалга оширилган.

Диссертациянинг **“Турли чигит экиш муддатлари ва чилпиш агротадбирининг ғўзанинг ўсиб ривожланиши ва морфологиясига таъсири”** деб номланган учинчи бобида чигитнинг униб чиқиши, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши, барг сатҳининг шаклланиши, куруқ модда тўпланиши, ҳосил элементларининг тўкилиши аниқланган.

Фарғона вилояти шароитида экилган Бухоро-8, Султон ва С-8290 ғўза навлари орасида ниҳолларининг униб чиқиши аниқланганда, чигитларнинг униб чиқишида ғўза навлари орасидаги фарқ кузатилганлиги аниқланган.

Бунда, энг юқори кўрсаткичлар ғўза навлари 20-25 апрель кунлари экилган майдонларда кўп бўлганлиги аниқланган. Чигит 10-апрелда экилганда намликнинг юқорилиги ва униб чиқиш жараёнининг чўзилиб кетиши натижасида чигитларнинг чириши кузатилиб, униб чиқиши ҳам пасайганлиги кўрсатиб ўтилган. Чигит экиш муддатлари кечиктирилган, яъни 5 майда экилганда тупроқларда етарлича намликнинг бўлмаслиги оқибатида умумий униб чиққан чигитлар сони камайган. Бунда, чигитни Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитида 20-25 апрель оралиғида экиш орқали тўлик кўчат ундириб олиш мумкинлиги хулоса қилинган. Чигит экишда ғўза навларининг туксиз чигити экилган бўлиб, эрта экилганларда униб чиққан ниҳоллар касалланиши сабабли кўчат сонининг камайишига олиб келган.

Ўзанинг ўсиб ривожланиши навнинг биологик хусусиятларига, экиш ва чилпиш муддатларига боғлиқ ҳолда турлича ривожланганлиги аниқланган. Ўзанинг ўсиши ва ривожланишини кузатиш учун вариантлар бўйича барча қайтариқларда белгиланган ўсимликларда фенологик кузатувлар олиб борилган.

Ўза ўсимлиги ёз фаслида экиш муддатларига боғлиқ равишда бир текис ўсиб ривожланган бўлса, чилпиш тадбири ўтказилгандан унинг ўсиб ривожланиши кескин ўзгарганлиги қайд этилган. Бу ўзгаришлар сентябрь ойида олинган натижаларда акс этган бўлиб, Бухоро-8 ғўза нави 10.04; 15.04; 20.04; 25.04; 30.04; 05.05 саналарида экилиб парваришланганда, сентябрь ойининг биринчи санасида ҳосил шохлари экиш муддатларига мос равишда 13,9; 13,2; 12,6; 12,5; 11,9; 11,7 донани, умумий кўсаклар сони ўртача 9,9; 10,7; 10,8; 10,0; 9,6 ва 9,8 донани ҳамда шундан очилганлари 38,1; 36,5; 35,3; 32,6; 30,0; 30,1 фоизни, ярим очилганлари эса 3,1; 0,0; 0,2; 0,2; 1,2; 2,7 фоизни ташкил этганлиги кузатилди. Ўзанинг ўрта толали Султон нави 10.04; 15.04; 20.04; 25.04; 30.04; 05.05 санасида экиб парваришланганда мос равишда ҳосил шохлари 13,6; 13,1; 12,9; 12,8; 12,2; 11,9 донани, умумий кўсаклар сони ўртача 10,7; 10,1; 10,9; 11,3; 10,5; 10,1 донани ва шундан очилганлари 40,1; 38,6; 37,1; 35,1; 33,9; 32,4 фоизни, ярим очилганлари эса 2,6; 1,5; 1,6; 1,5; 1,1; 2,0 фоизни ташкил этганлиги қайд этилган. Ўрта толали С-8290 ғўза нави юқорида қайд этилган экиш муддатларида парваришланганда ҳосил шохлари мос равишда 12,9; 12,6; 11,9; 11,5; 10,9; 10,5 донани, умумий кўсаклар сони ўртача 10,5; 10,0; 10,8; 10,0; 9,8 ва 9,9 донани ҳамда очилган кўсаклар 41,4; 40,7; 39,6; 38,2; 37,7; 35,9 фоизни, ярим очилганлари эса 0,2; 1,2; 1,8; 3,2; 4,1; 3,7 фоизни ташкил этганлиги аниқланган.

Ўза пайкалларида ўсимликларнинг барг сатҳи юзасининг фарқланиши асосан ғўза навларининг биологик хусусиятига ҳамда парваришlash агротадбирларига боғлиқ бўлиши айтиб ўтилган.

Таҳлил натижалари кўрсатишича, Бухоро-8 ғўза навида энг юқори барг сатҳи чигит 20-апрелда экилган майдонда олиниб, барг сатҳи ўртача 2654,1 см² га тенг бўлганлиги аниқланган.

Ўзанинг ўрта толали Султон навида ҳам турли экиш муддатларида парваришланганда барг сатҳи ҳар хил бўлганлиги аниқланган. Бунда энг

юқори кўрсаткичлар чигит 20-25-апрелда экилган фонда аниқланиб, мос равишда 2493,5-2551,6 см² га тенг бўлганлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, ғўзанинг ўрта толали С-8290 навида энг юқори кўрсаткичлар август ойининг 1-санасига келиб чигит 20-25-апрелда экилган вариантлардан олинган ва барг сатҳи ўртача 2444,5-2410,1 см² га тенг бўлган.

Барг сатҳи фотосинтез жараёнини фаоллаштириб, куруқ модда тўпланишида ўсимлик учун энг керакли ўсимлик органи ҳисобланади. Бухоро-8 ғўза навини 20-апрелда экиб, 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилганда, Султон ва С-8290 ғўза навларини 25-апрелда экиб, 11-12 ҳосил шохларида чилпиш ўтказилган вариантларда барг сатҳининг ҳосил тўплаш даврида энг юқори бўлиши аниқланган. Бухоро-8 ғўза навининг барг сатҳи, Султон ва С-8290 ғўза навларига нисбатан юқори бўлиши кузатилган.

Тадқиқотларда ўрганилган ғўза навларининг экиш ва чилпиш муддатларига боғлиқ ҳолда ғўзанинг куруқ модда тўплаши ҳам ўрганиб чиқилган.

Ўзадаги куруқ модданинг тўпланиши бўйича ўсимлик органларига бўлиб ўрганилганда, энг юқори кўрсаткичлар Бухоро-8 ғўза навини 20-апрелда экилган вариантда ҳосил элементларида кўпроқ тўпланганлиги аниқланган ва мос равишда пахтада тўпланган куруқ модда 49,6 г. ни ташкил этган.

Султон ва С-8290 ғўза навларида ҳосил органларидаги энг кўп куруқ модда тўпланиши 25-апрелда экилган ғўзалардан олиниб мос равишда пахтадаги улиши 48,8-47,6 г. га тенг бўлган.

Бухоро-8 ғўза нави чигитини 10-15 апрелда экиб парвариш қилинган ғўзаларда 13-14 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантларда ҳосил элементлари тўкилиши ўртача 30,6-25,7% ни, ушбу ғўза навини 20-25 апрелда экиб, 12-13 ҳосил шохларида чилпиш ўтказилганда ҳосил элементлар тўкилиши мос равишда 19,9-22,0% ни ташкил этганлиги кузатилган. Чигит кечиктирилиб, яъни 30-апрелда экиб, 11-12 ҳосил шохларида чилпиш ўтказилганда ҳамда 5-майда экилиб, Сожеан препарати билан чилпиш ўтказилган вариантларда ҳосил элементларининг тўкилиши 26,7-24,2% ни ташкил этган.


Ўрта толали “Султон” ва “С-8290” ғўза навлари чигитини 10-15 апрелда экиб, 13-14 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантларда ҳосил элементлари тўкилиши ўртача 21,5-21,3 ва 20,6-19,4% ни, ушбу ғўза навини 20-25 апрелда экиб, 12-13 ҳосил шохларида чилпиш ўтказилганда ҳосил элементлар тўкилиши мос равишда 17,3-16,0 ҳамда 17,0-16,9% ни ташкил этганлиги кузатилган бўлса, чигит кечиктирилиб, яъни 30-апрелда экиб, 11-12 ҳосил шохларида чилпиш ўтказилганда ҳамда 5-майда экилиб, Сожеан препарати билан чилпиш ўтказилган вариантларда ҳосил элементларининг тўкилиши 22,5-21,3 ва 18,5-20,8% ни ташкил этганлиги аниқланган. Таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу ғўза навида ҳосил элементлар тўкилиши Бухоро-8 ғўза навига нисбатан камроқ бўлганлиги аниқланган.

Диссертациянинг **“Турли чигит экиш ва чилпиш муддатларига**

боғлик ҳолда дефолиантларни қўллашнинг самарадорлиги” деб номланган тўртинчи бобида, дефолиациядан олдин ғўзанинг биологик ҳолати, экиш ва чилпиш муддатларига боғлик ҳолда дефолиациянинг барглар тўкилишига, кўсақлар очилишига, бир дона кўсақдаги пахта вазнига, биринчи терим салмоғига, пахта ҳосилига таъсири баён этилган.

Олиб борилган изланишларда ғўзада дефолиация ўтказишдан аввал услубномалар асосида дефолиациядан олдин ғўзанинг биологик ҳолати аниқланган. Ғўза навларида дефолиация ўтказиш учун барча вариантлар мақбул муддатга тўғри келган. Чигит экиш муддатлари ва чилпиш муддатлари орасида турлича фарқланиш кузатилган. Фақат Бухоро-8 ғўза навининг кеч муддатларда, яъни 5-майда экилганда кўсақларнинг очилиши бироз кечикканлиги кўрсатиб ўтилган.

Бухоро-8 ғўза навида дефолиациядан 14 кун ўтгач энг кўп барглар тўкилиши чигит 20-апрелда экилиб, 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантда УзДЕФ ни 7,5 л/га меъёри қўлланилганда (86,5%) кузатилган бўлса, Султон ғўза навида чигит 25-апрелда экилиб 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилиб, УзДЕФ ни 6,5 л/га меъёри қўлланилган вариантда барглар тўкилиши 90,7% ни ташкил этган ва Бухоро-8 навидан 4,2% га кўпроқ барглар тўкилганлиги аниқланган (1-расм).



1-Расм. Чигит экиш ва чилпиш тадбирларига боғлик ҳолда дефолиациянинг ғўза барглари тўкилишига таъсири


Шунингдек, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, С-8290 ғўза навида бошқа навларга нисбатан барглар тўкилиши кўпроқ бўлиб, бу навда ҳам энг кўп барглар тўкилиши чигит 25-апрелда экилиб, 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган ва УзДЕФ ни 6,5 л/га қўлланилган вариантда 90,0% ни ташкил этганлиги баён қилинган.

Турли экиш ва чилпиш муддатларига боғлик ҳолда дефолиациянинг бир дона кўсақдаги пахта вазнига таъсири ўрганилганда, энг юқори кўрсаткичлар Бухоро-8 ғўза навида чигит экиш 20-апрелда амалга оширилиб, 12-13 ҳосил

шохида чилпиш ўтказилган вариантдан олинган ва 6,4 г. ни ташкил этган. Шунингдек, Султон ва С-8290 ғўза навларида чигит 25-апрелда экилиб, 12-13 ҳосил шохида қўлда чилпиш ўтказилганда бир дона кўсақдаги пахта вазни мос равишда 6,0-5,7 г. ни ташкил этганлиги қайд қилинган.

Фарғона вилояти шароитида Бухоро-8 ғўза навини парваришлаб, чигит 10-15 апрель кунлари экилганда 13-14 ҳосил шохида чилпиш ва УзДЕФ дефолианти билан 8,0 л/га меъёрда қўллаш эвазига ҳосилдорлик 35,4-36,0 ц/га ни ташкил этиб, чигит 20-апрелда экилган вариантларга нисбатан ҳосилнинг 4,4-3,8 ц/га паст бўлганлиги аниқланган. Чигит 25-30 апрелда экилиб, 12-13 ва 11-12 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантларда УзДЕФ дефолиантини 7,5-7,0 л/га меъёрларда қўллаш эвазига ҳосилдорлик 38,6-38,3 ц/га га тенг бўлганлиги ва ушбу вариантларда ҳам чигит 20-апрелда экилган вариантларга солиштирилганда ҳосилдорлик 1,2-1,5 ц/га паст бўлганлиги кузатилган (2-расм).

Шунингдек, ғўза нави 5-майда экилиб, унга вегетация даврида Сожеан препарати билан ишлов берилиб УзДЕФ ни 6,0 л/га меъёрда қўлланилганда ҳосилдорлик 35,7 ц/га ни ташкил этганлиги ва 20-апрелда экилган вариантга нисбатан ҳосилдорлик 4,1 ц/га паст бўлганлиги аниқланган.



2-расм. Ғўза навларида экиш муддатларига боғлиқ ҳолда чилпиш ва дефолиация ўтказишнинг пахта ҳосилига таъсири, ц/га (2017-2019 йй ўрtachаси).

Ғўза навлари ичида энг юқори ҳосилдорлик Бухоро-8 ғўза навидан олинди, ушбу ғўза 20-апрелда экилиб, чилпиш 12-13 ҳосил шохида ўтказилган вариантда УзДЕФ ни 7,5 л/га меъёрда қўллаганда олинганлиги аниқланиб, ҳосилдорлик 36,6 ц/га ни ташкил этган. Султон ва С-8290 ғўза навлари 25-апрелда экилиб, чилпиш 12-13 ҳосил шохида ўтказилган ва УзДЕФ дефолианти 6,5 л/га меъёрда қўлланилган вариантларда энг юқори ҳосилдорликга эришилиб, мос равишда 33,7-32,4 ц/га ни ташкил этганлиги кўрсатиб ўтилган.

Турли экиш ва чилпиш муддатларига боғлиқ ҳолда дефолиациянинг чигит мойдорлигига таъсири ўрганилганда, энг юқори кўрсаткичлар Бухоро-8 ғўза нави чигити 20-25 апрелда экилиб, 12-13 ҳосил шохида чилпиш

ўтказилган ва УзДЕФнинг 7,5 л/га меъёри билан ишлов берилган вариантлардан олинганлиги аниқланган. Бунда, чигит ядросидаги мой миқдори мутаносиб равишда 40,9-40,9% ни, чигитдаги мой миқдори эса 18,9-18,8% ни ва ядро чиқими 55,8-55,2% ни ташкил этганлиги аниқланган. Султон ғўза навида энг юқори кўрсаткичлар чигит 25-апрелда экилиб, 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган фонда УзДЕФнинг 6,5 л/га меъёри қўлланилган вариантда ядрогаги мой миқдори 39,5% ни, чигитдаги мой миқдори 17,9% ни ва ядро чиқими 55,4% ни ташкил этиб, 30-апрелда экилиб, 11-12 ҳосил шохда чилпиш ўтказилган ва УзДЕФнинг 6,0 л/га меъёри қўлланилган вариантга нисбатан ядрогаги мой миқдори 1,8% га кўп бўлганлиги қайд этилган.

Тадқиқотда ўрганилган С-8290 ғўза навининг чигит таркибидаги мой миқдори барча вариантларда Бухоро-8 ҳамда Султон ғўза навларига нисбатан камроқ бўлганлиги кузатилган. Лекин, ядрогаги мой миқдори ушбу ғўза навларига яқин бўлганлиги кузатилиб, энг юқори кўрсаткичлар чигит 20-25 апрелда экилиб, 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган ва УзДЕФни 6,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантлардан олиниб, ядрогаги мой миқдори 39,1-39,2% ни, чигитдаги мой миқдори 17,8-17,6% ни ва ядро чиқими 54,2-53,5% ни ташкил этганлиги қайд этилган.

Диссертациянинг **“Олинган натижаларнинг иқтисодий самарадорлиги ва ишлаб чиқариш тажрибалари”** деб номланган бешинчи бобида, турли экиш ва чилпиш муддатларига боғлиқ ҳолда дефолиация ўтказишнинг бир гектар майдонга сарфланган жами харажатлар миқдори, етиштирилган ялпи ҳосил, ҳар гектар майдондан олинган соф фойда ва рентабеллик даражаси кўрсатилиб ўтилган. Шунингдек, ишлаб чиқариш шароитида олиб борилган натижаларга қисқача тўхталиб ўтилган.

Тадқиқотлар олиб борилган йиллар бўйича таққослаб ўрганилганда, энг юқори натижалар Бухоро-8 ва Султон ғўза навларини 20-25 апрелда экиб, 12-13 ҳосил шохи пайдо бўлганда чилпиш ўтказилган вариантларда УзДЕФ дефолиантини 7,5-6,5 л/га меъёрда қўлланилган вариантларидан олиниб, пахтадан тушган даромад мос равишда 15 млн. 752 минг 333 – 14 млн. 476 минг 667 сўм/га.га, гектарига кетган жами харажатлар 11 млн. 230 минг -11 млн. 214 минг сўм/га.га, соф фойда 4 млн. 522 минг 333 – 3 млн. 262 минг 667 сўм/га га, рентабеллик даражаси эса 40,3-29,1% га тенг бўлганлиги кўрсатиб ўтилган. Ушбу вариантларда чигит 10-апрелда экилганга нисбатан чилпиш ва дефолиация ҳисобига ҳосилдорлик 4,6-3,1 ц/га, даромад 1 млн. 986 минг -1 млн. 341 минг сўм/га га, рентабеллик 17,7-12,0% га ортганлиги қайд қилинган.

Шунингдек, эртапишар С-8290 ғўза навидан олинган энг юқори даромад, чигит 25-апрелда экилиб, чилпиш 12-13 ҳосил шохида ўтказилган вариантдан олинган ва мос равишда пахта сотишдан тушган даромад 13 млн. 946 минг 333 сўм/га.ни, ҳосилни етиштириш учун сарфланган жами харажат 11 млн. 206 минг сўм/га ни, соф фойда 2 млн. 740 минг 333 сўм/га. ни, рентабеллик эса 24,5% ни ташкил этган ҳолда, чигит 10-апрелда экилганга нисбатан соф фойда 1 млн. 513 минг сўм/га га, рентабеллик даражаси 13,6% га ошганлиги аниқланган.

ХУЛОСАЛАР

1. Экиш муддатларига боғлиқ ҳолда ғўза навларининг униб чиқиши аниқланганда, эрта ва кеч муддатларда экилганга нисбатан, 20-25 апрель кунлари экилганда чигитларнинг униб чиқиши ўртача 3,7-9,8 фоизгача кўпроқ бўлиши аниқланди. Таъкидлаб ўтиш лозимки, ғўза навларининг туксиз чигити экилган бўлиб, эрта экилганда униб чиққан ниҳоллар гоммоз, илдиз чириш каби касалликлар билан касалланиши сабабли ниҳоллар сонининг камайишига олиб келди.

2. Ғўзанинг Бухоро-8 навини 20-апрелда, Султон ва С-8290 ғўза навларини эса 25-апрелда экиб, ҳосил тўплаш фазасида 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантларда барг сатҳи энг юқори бўлиши аниқланди. Бухоро-8 ғўза навининг барг сатҳи ўртача 27974,2 м²/га ни ташкил этиб, Султон ва С-8290 ғўза навларига нисбатан барг сатҳи (1310,0-2764,6 м²/га) юқори бўлиши кузатилди.

3. Бухоро-8 ғўза навида энг кам ҳосил элементларининг тўкилиши чигит 20-апрелда экилиб, 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантда аниқланди ва бу 19,9% ни ташкил этди. Султон ҳамда С-8290 ғўза навларида эса энг кам ҳосил элементлари тўкилиши чигит 25-апрелда экилиб, 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантлардан олинди ва мос равишда 16,0-16,9% га тенг бўлганлиги кузатилди.

4. Чигит кеч муддатларда экилиши натижасида ўсимликнинг пишиб етилиши кечикиши баргларда фотосинтез фаоллигининг камайишига олиб келиб, эрта экилган муддатларга нисбатан илдиз орқали олинадиган озуқа моддаларнинг пасайиши натижасида жами қуруқ модданинг камайиши кузатилди. Лекин, морфологик белгилари бўйича алоҳида қуруқ масса тўпланиши аниқланганда, пахтадаги қуруқ модданинг тўпланиши бўйича энг юқори кўрсаткичлар Бухоро-8 ғўза нави 20-апрелда экилганда кузатилиб мутаносиб равишда 49,6 г. ни, Султон ва С-8290 ғўза навларида эса 25-апрелда экилган ғўзаларда мос равишда 48,8-47,6 г. га тенг бўлди.

5. Бухоро-8 ғўза навида дефолиациядан 14 кун ўтгач энг кўп барглар тўкилиши чигит 20-апрелда экилиб, 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилганда ва ЎзДЕФ дефолиантини 7,5 л/га меъёрда қўлланилганда олиниб, 86,5% ни ташкил этган бўлса, Султон ғўза навини 25-апрелда экиб, 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилганда ЎзДЕФ дефолианти билан 6,5 л/га меъёрда дефолиация ўтказилганда барглар тўкилиши 91,3% ни ташкил этди ва Бухоро-8 навига нисбатан 4,8% га кўпроқ барглар тўкилганлиги аниқланди. Шунингдек, С-8290 ғўза навида Бухоро-8 ва Султон навларига нисбатан барглар тўкилиши кўпроқ бўлиб, бу навда ҳам энг кўп барглар тўкилиши чигит 25-апрелда экилиб, 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилганда ЎзДЕФ дефолиантини 6,0 л/га меъёрда қўлланилганда олинди ва барглар тўкилиши 90,0% ни ташкил этганлиги кузатилди.

6. Кўсақлар очилиши бўйича энг юқори кўрсаткич Бухоро-8 ғўза навини 20-25 апрель кунлари экиб, унда 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган фонларда, ЎзДЕФ дефолиантини 7,5 л/га меъёрларда қўлланилган вариантдан олиниб, дефолиациядан сўнг 14 кун ўтгач ғўза кўсақларининг очилиш 85,4-83,1% ни, очилиш тезлиги 40,0-37,0% ни ташкил этди. Султон ғўза нави чигити 25 апрелда экилиб, 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган фонда ЎзДЕФ дефолиантини 6,5

л/га меъёрда қўлланилган вариантда кўсақлар очилиши 92,7% ни, очилиш тезлиги эса 44,6% ни ташкил этди. Ўз ўрнида шуни айтиш мумкинки, Султон ғўза навида кўсақлар очилиши Бухоро-8 навига нисбатан 4,6-7,6% га кўсақлар очилиши тезлашганлиги аниқланди. Шунингдек, С-8290 ғўза навининг кўсақлар очилиш тезлиги дефолиация таъсирида энг юқори кўсақлар очилиши чигит 25-апрелда экилиб, мос равишда 12-13 ҳосил шохида қўлда чилпиш ўтказилиб, ЎзДЕФ дефолиантини 6,0 л/га меъёрларда қўлланилган вариантдан олинди ва мос равишда кўсақларнинг очилиши 93,6% га, очилиш тезлиги 47,8% га тенг бўлди.

7. Бир дона кўсақдаги пахта вазни бўйича энг юқори кўрсаткичлар Бухоро-8 ғўза навида чигит экиш 20-апрелда амалга оширилиб, 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантдан олинди ва 6,4 г. ни ташкил этди. Шунингдек, Султон ва С-8290 ғўза навларида чигит 25-апрелда экилиб, 12-13 ҳосил шохида қўлда чилпиш ўтказилганда мос равишда 6,0-5,7 г. ни ташкил этганлиги маълум бўлди.

8. Ўртача ўч йилда Бухоро-8 ғўза навида чигит 20-апрелда экилиб, 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган ва ЎзДЕФ дефолианти билан 7,5 л/га меъёрда ишлов берилган вариантда энг юқори ҳосилдорликка эришилиб, 36,6 ц/га ни ташкил этган бўлса, Султон ва С-8290 ғўза навларида эса чигит 25-апрелда экилиб, 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилганда ЎзДЕФ дефолианти билан 6,5 л/га меъёрда дефолиация қилинган вариантларда олинди ва мос равишда 33,7-32,4 ц/га тенг бўлганлиги аниқланди.

9. “Бухоро-8” ғўза нави чигитини апрель ойининг 20 санаси оралиғида экиб, 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказиш ва ЎзДЕФ дефолианти билан 7,5 л/га меъёрда дефолиация ўтказилса, толанинг технологик сифат кўрсаткичлари яхшиланиши аниқланди. Ўрта толали Султон ҳамда С-8290 ғўза навларини 25-апрелда экиб, 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказиш ва ЎзДЕФ дефолианти билан 6,5 л/га меъёрда дефолиация ўтказиш орқали тола сифат кўрсаткичларининг яхшиланишга эришиш мумкинлиги исботланди.

10. “Бухоро-8” ғўза нави чигитини апрель ойининг 20-25 саналари оралиғида экиб, 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилиб, УзДЕФ дефолианти 7,5 л/га меъёрда қўллаш натижасида уч йилликнинг ўртачасига кўра гектаридан олиндиған соф фойда 5 млн. 699 минг -5 млн. 336 минг сўм/га, рентабеллик даражаси эса 52,8-50,1% га тенг бўлди. Султон ва С-8290 ғўза навини эса 25-апрелда экиб, 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказиб, УзДЕФни 6,5 л/га меъёрларда қўлланилганда соф фойда 4 млн. 590 минг-3 млн. 957 минг сўмни ва рентабеллик даражаси 43,3-37,2% ни ташкил этди.

11. Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитида юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштириш мақсадида:

“Бухоро-8” ғўза нави чигитини 15-20-апрель оралиғида экиб, 12-13 ҳосил шох пайдо бўлганда қўлда ёки Сожеан реторданти билан чилпиш ўтказилиб, ғўза кўсақлари 45-50% очилиши билан УзДЕФ дефолиантини 7,5 л/га меъёрда қўллаш; эртапишар “Султон” ҳамда “С-8290” ғўза навларини эса 25-30-апрель оралиғида экиб, ҳар бир тупда ўртача 12-13 ҳосил шох пайдо бўлганида чилпиш ўтказиш ва 45-50% кўсақлар очилиши билан “УзДЕФ” дефолиантининг 6,0-6,5 л/га меъёрида қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
ХЛОПКА**

ИБРАГИМОВ БЕКЗОД ОДИЛЖОНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОВЕДЕНИЯ МЕРОПРИЯТИЙ ПО
СРОКАМ СЕВА, ЧЕКАНКИ И ДЕФОЛИАЦИИ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ
ОСОБЕННОСТЕЙ СОРТОВ ХЛОПЧАТНИКА**

06.01.08–Растениеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Диссертация доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/Qx604.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (НИИССАВХ)

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.psuyaiti.uz на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: **Тешаев Фатулло Журакулович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: **Ахмедов Джамолхон Хужаханович**
доктор биологических наук, профессор

Рахматов Имом Мамадиёрович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский государственный аграрный университет**

Защита диссертации состоится «16» июля 2021 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ Тел.: (+99871) 150-62-84; факс: (99871) 156-61-34; e-mail: piim@agro.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована № 114). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ Тел.: (+99871) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Автореферат диссертации разослан «2» июля 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 1 от «2» июля 2021 года.)



Ш.Нурматов

Ш.Нурматов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

Ф.М.Хасанова

Ф.М.Хасанова

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов

Ж.Х.Ахмедов

Председатель научного семинара по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире одним из важных задач хлопководства обеспечение текстильной промышленности качественным сырьем. «В более чем 85 странах мира возделывается хлопчатник, где более 200 миллионов человек занимаются его выращиванием, в том числе около 60 миллионов человек заняты переработкой хлопка-сырца. Ведущими производителями хлопка, являются Китай, США, Индия, Пакистан и Узбекистан на долю которых приходится 65% всего мирового хлопка, остальные 35% производится в других странах мира»¹. Во всех странах, где возделывают хлопчатник, агротехнические мероприятия проводятся исходя из климатических условий и морфо-биологических особенностей хлопчатника, в особенности по срокам сева, чеканки и дефолиации.

В ведущих странах мира в целях получения высокого урожая хлопка-сырца проводятся исследования по срокам чеканки хлопчатника в зависимости от применяемых агротехнических мероприятий. В частности, проводятся исследования по проведению механической чеканки, по определению норм и способов химической чеканки в зависимости от морфо-биологических особенностей сорта, от сроков посева и густоты стояния хлопчатника.

В Республике проведение дефолиации хлопчатника перед уборкой урожая хлопка-сырца является важным мероприятием, а также считается необходимым условием при механизированном сборе урожая. Это агротехническое мероприятие повышая урожай первого сбора, дает возможность получению высокого экономического дохода при производстве хлопка-сырца. В указе Президента Республики Узбекистан «Об утверждении стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистана на 2020-2030 годы» были намечены важные задачи по развитию науки в сельском хозяйстве при рациональном использовании земель². При возделывании хлопчатника для машинного сбора необходимо усовершенствование агротехнологических мероприятий, таких как сроки сева, чеканки и проведения дефолиации и обеспечение их комплексности в зависимости от особенностей сорта хлопчатника является одним из основных условий. Однако, недостаточно проведены научные исследования в различных почвенно-климатических условиях по оптимизации сроков сева и чеканки в зависимости от особенности новых сортов хлопчатника и по повышению эффективности дефолиации для получения высоких урожаев хлопка-сырца.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач предусмотренных в указах Президента Республики Узбекистан УП за №2575 от 15 августа 2016 года «О комплексных мерах по своевременному и эффективному проведению дефолиации хлопчатника», УП за №3229 от 21 августа 2017 года «О комплексных мерах по своевременному и эффективному проведению дефолиации хлопчатника», Постановление

1. <https://science-education.ru/ru/article/view?id=4578>

